



КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Ибрагимов Аброр Алимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада давлат ва жамият ҳаётида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, мамлакатда коррупциянинг пайдо бўлиши сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитлар батафсил таҳлил этилган, бу борада жамоатчилик фикри ўрганилган, мақола сўнггида коррупцияни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш орқали унинг содир этилиш механизмларини аниқлаш ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш мақсадида бир қатор таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: коррупция, сабаб ва шарт-шароитлар, профилактика, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, детерминант.

Жиноятчилик, шу жумладан уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий-ҳуқуқий назорат тизимини вужудга келтириш нафақат ҳуқуқшунослар, балки бошқа соҳа мутахассисларининг ҳам олдида турган асосий вазифадир.

Шунинг учун ҳам бугун инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий назорат тизимини такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Демократик жамият куришнинг асосий шарти бўлган эркинлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, сиёсий ва иқтисодий фаолиятда *бир томондан* ошкораликни, *иккинчи томондан* ҳуқуқий асосда тартибга солинган ижтимоий-ҳуқуқий назоратнинг ўрнатилишини талаб қилади. Ўтказилган тадқиқотлар ва жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг олдини олиш жиноий жавобгарликни таъминлаш доирасидан четга чиқади ва жамиятда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, тарбиявий ва ҳуқуқий тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади. Лекин бугун бундай тадбирлар тизимини амалга ошириш учун керакли куч, маблағ, шарт-шароит ва энг асосийси, кадрлар тайёргарлиги етарли даражада эмас.



Алохида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда жамиятда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича самарали ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилмоқда. Коррупцияга қарши курашнинг жуда кўп чоралари (криминологик, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий, криминалистик, тезкор қидирув ва бошқалар) мавжуд, бу борада олимларимиз ўз йўналишлари бўйича турли таклифларни бермоқдалар¹.

Коррупция жиноятини содир этишга мойил бўлган шахсларга, уларнинг тажовуз объектлари ва қурбонларига нисбатан ташкилий-ҳуқуқий хусусиятга эга олдини олиш чораларини амалга ошириш кечиктириб бўлмас вазифалардан биридир. Бундай чораларни шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) жиноят содир этишни қийинлаштирувчи;
- 2) жиноят содир этишнинг хавф-хатарли бўлишини кучайтирувчи;
- 3) жиноий фаолиятдан келадиган фойдани камайтирувчи².

Бу чораларни бир вақтда тизим сифатида амалга ошириш уларни самарали натижа беришининг асосий шартларидан биридир. Коррупция билан боғлиқ жиноят содир этишни қийинлаштирувчи ва уни олдини олишни кучайтирувчи чоралар: ходимларни ишга қабул қилишда батафсил текшириш тизимини жорий этиш; етарли синов муддатини белгилаш; илмий асосланган

чеклашлар ва тақиқлар қабул қилиш; мансабдор шахсни ишбилармонлик маданияти ва ишга виждонан муносабатда бўлиш даражасини кўтариш; мансабдор шахсларнинг иш вақтидаги ва ишдан сўнг криминал ҳаракатларга мойил шахслар билан муносабат ва учрашиш ҳаракатлари меъёрини ёзиб қўйилишини жорий этиш; мансабдор шахс номига иснод келтирувчи ваколатларни чеклаш; фаолиятда ошкораликни сўзсиз таъминланишини жорий этиш; керакли қарорларни ошкора қабул қилишни таъминлаш; давлат хизматчиларининг ҳисобот беришини жорий этиш; хулқ ва ахлоқ қоидалари кодексларини киритиш; мансабдор шахсларнинг доимий иш жойини ўзгартириб туриш; мансабдор шахсларга у моддий манфаатдор бўлган тадбирларда иштирок этишини тақиқлаш; давлат хизматидан бўшатилгунча унинг назоратида бўлган

¹ Қаранг: Якубов А. С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. –Т., 1995. – С.11-12; Қодиров Р. Х. Диний экстримизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг айрим хусусиятлари. –Т., 2000. –47-б.; Рустамбоев М.Х., Қодиров А. Уюшган гуруҳга жазо // Ҳаёт ва қонун. – 1996. –№3. –78–79-б; Исмоилов Н.Т. Коррупция – тараққиёт кушандаси // Postda. –2015 yil 4 iyul, №27(4128). –8-б.

² Қаранг: Исмоилов И. Уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари // Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар. –Т., 2003. –26–28-б.



соҳада хусусий фаолият билан шуғулланишини вақтинча тақиқлаш; собиқ мансабдор шахсга ўз идорасида шахсий манфаатларини ҳимоя қилишни тақиқлаш; ёлғон айбларнинг қурбони бўлган хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалардан иборат.

Коррупция билан боғлиқ жиноят содир этишнинг хавф-хатарли бўлишини кучайтирувчи чоралар: оммавий ахборот воситаларига керакли ахборот учун очиқ йўл қўйиб бериш; режадаги ва кутилмаган аудиторлик текшириши ва ревизиялар ўтказиш; мансабдор шахс ва унинг яқинларини мол-мулкни мажбурий текшириладиган қилиб қўйиш; мансабдор шахсларнинг қабул қилинган қарорлар учун шахсий жавобгарлигини таъминлаш; идоравий хавфсизлик хизматини ташкил этиш; ички телевидение тизимини ўрнатиш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни таъминлаш; қимматбаҳо совғалар қабул қилишни тақиқлаш ва улар ҳақида ҳисобот беришни жорий этиш; коррупционерларни фош этувчи ахборотни берувчи ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; коррупция билан шуғулланувчи ва уюшган жиноятчиларни мажбурий экстрадиция қилишни халқаро таъминлашдан иборат.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этишдан келадиган фойдани камайтиришга қаратилган чораларга: давлат хизматчиларига меҳнати учун адолатли иш ҳақи тўлаш ва бошқа фаровонликлар яратиш тизимини жорий этиш; ҳалолликни рағбатлантириш тизимини жорий этиш; коррупцияга қарши қоидаларни бузгани учун мансабдан бўшатишнинг мажбурийлигини жорий этиш; мансабдорлик, мансаб бўйича ўсиш учун ҳалол ходимларга имконият яратиш; нафақага чиқиш учун муносиб шароитлар яратиш ва шунга ўхшашларни киритиш мумкин.

Юқорида таклиф этилаётган чоралар давлат хизматчилари фаолият кўрсатадиган муассасаларда уларнинг фаолият турига, аниқ вазирлик ва идораларга мослаштирилгани ҳолда ишлаб чиқилиши керак. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам давлат хизматчиларига қўйиладиган асосий талаблар – ҳалоллик, сотилмаслик, объективлик, фаолияти тўғрисида ҳисобот бериш, ошкоралик, ростгўйлик бўлиши зарур. Ушбу чоралар комплекс тарзда амалга оширилса, улар уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг олдини олишнинг имкониятларини оширади³.

³ Қаранг: *Исмаилов И.* Уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари // *Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар.* –Т., 2003. –26–28-б.



Бугун коррупция жиноятчилиги жуда кучли илдиз отган мураккаб тизимга эга бўлиб, турли-туман иқтисодий, ижтимоий, демографик, сиёсий, маънавий, рухий, ҳуқуқий ва бошқа омилларга бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Бу эса, ўз вақтида коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши мумкин бўлган жамият ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларига хос бўлган ҳодиса, воқеа ва жараёнларни криминологик таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Ушбу вазифа, *биринчидан*, бир ижтимоий тузумдан иккинчи ижтимоий тузумга ўтиш даврида, яъни маъмурий буйруқбозлик асосида бошқараладиган режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш, мустабид давлат ва жамият ўрнига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш халқнинг топталган кадриятлари ва маънавиятини тиклаш жараёнида долзарб бўлса, *иккинчидан*, ўтиш даврига хос бўлган объектив қийинчиликлар билан боғлиқ ҳолда жуда ҳам мураккабдир. Чунки мазкур шароитда, *биринчидан*, у ёки бу даражада коррупция билан боғлиқ эски тузумга хос бўлган омиллар, уларнинг асоратлари, айниқса маънавий соҳада ўз таъсирини йўқотмаган бўлади, *иккинчидан*, ўтиш даврига хос бўлган омиллар пайдо бўлади ва ниҳоят *учинчидан*, бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ ҳолда вужудга келган ва келаётган ҳамда шунга асосланган жамиятга хос бўлган омиллар (детерминантлар)ни криминологик таҳлил этиш талаб қилинади.

Коррупция жиноятчилигини ўрганиш, авваламбор, ушбу салбий ижтимоий ҳодисаларга самарали қарши курашни таъминлашга, уларнинг миқдорини камайтиришга, оғир турларини бартараф этишга ёрдам берадиган илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдек мақсадни кўзда тутди. Мазкур мақсадни амалга ошириш тадқиқ этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятларни жамиятдаги қайси ҳодиса, воқеа ва жараёнлар келтириб чиқараётганини, озиқлантираётганини, тарқалиб кўпайиб боришига кўмаклашаётганини аниқлаш, уларнинг таъсир жараёнини «очиқ бериш», қандай вазиятларда бу жараён кучайиши мумкинлигини асослаб беришни тақозо этади. Бу эса коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг аҳволи, тузилиши ва йўналишини башорат қилиш ҳамда уларга қарши кураш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни режалаштиришга имкон беради. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар детерминантлари жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида мавжуддир. Улар бир-бири билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-рухий, ташкилий-бошқарув ва ҳуқуқий омилларга таянади. Коррупция жиноятига қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда шунини эътиборга олиш керакки, иқтисодий омиллар коррупция билан



боғлиқ жиноятлар сабаблари “занжирининг бошланғич халқалари” бўлиб, улар жиноятчилик билан ижтимоий ва индивидуал онг орқали билвосита боғлиқдир.

Мансабдор шахсларни коррупцияга ундовчи уюшган гуруҳлар уларни ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга турли йўллар (моддий манфаат эвазига, қўрқитиш ёки бошқа йўллар) билан кўндирадилар.

Айрим ҳолларда мансабдор шахсларнинг ўзлари қасддан жиноят содир этиб, уюшган гуруҳларга шароит яратиб берадилар.

Коррупция жиноятларига алоқадор ҳаракатларни содир этган шахсларга нафақат жазо чораларини қўллаш, балки уларга нисбатан жиноий-ҳуқуқий рағбатлантирувчи нормаларни, шунингдек, криминологик олдини олиш чораларини ҳам қўллаш лозим. Коррупция жиноятлари билан шуғулланган шахсларга нисбатан нафақат жазонинг оғирлаштирувчи, балки бунинг акси бўлган усул, яъни рағбатлантирувчи нормалар қўлланса жиноятларни тезда фoш этиш ва содир этишга тайёргарлик кўрилатганларининг ҳам олдини олиш мумкин.

Жиноят қонунига бевосита коррупция жиноятлари билан боғлиқ рағбатлантирувчи нормалар жуда кам киритилган. Бу ҳолат коррупция жиноятлари билан шуғулланган, аммо жиноят содир этишдан қайтиш ниятида бўлган шахсларнинг ҳаракатларига тўсқинлик қилиши мумкин. Чунки шахс жиноятдан қайтиш ниятини амалга оширмакчи бўлса, унга қонуний жихатдан ҳуқуқий енгиллик, яъни ҳуқуқий кафолат яратиб бериш керак.

Юқорида таъкидлаганимиздек, уюшган ва коррупцион жиноятчиликнинг детерминантларини уч гуруҳга ажратган ҳолда кўриб чиқиш мантиқан тўғри бўлади.

Биринчиси – ижтимоий-иқтисодий омиллар бўлиб, уларга: давлат ҳокимияти органларининг иқтисодий субъектлар фаолиятига ўринсиз аралашининг кенг тарқалганлиги; солиқ ва бож тўловларини белгилаш тизимининг такомиллашмаганлиги; хуфёна иқтисодиётнинг кенгайиб бориши; нархларнинг кундан-кун ўсиши ва пулнинг қадрсизланиши; ишсизлик муаммоси; аҳоли ўртасидаги табақаланишнинг кучайиши; гиёҳвандликнинг ўсиб бориши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, коррупция жиноятлари билан шуғулланган мансабдор шахслар асосан моддий бойлик орттириш мақсадида жиноятчи гуруҳлар билан алоқага киришадилар. Бизнингча, бундай жиноятларнинг олдини олиш учун профилактик чора сифатида мансабдор шахсларнинг (давлат бюджетидан маош оладиган) иш ҳақини кўпайтириш лозим.



Иккинчиси – маънавий-рухий омиллар, улар: жамиятда, айниқса, давлат бошқарув тизимида адолатсизликнинг мавжудлиги; тўрачилик ва маҳаллийчиликнинг кучайиши; жамиятда қариндош-уруғчилик каби салбий ҳаракатларнинг намоён бўлиши; аҳоли айрим қисми, айниқса, ёшлар тафаккурида лоқайдлик, боқимандалик, текинхўрлик каби кайфиятнинг кенг тарқалиши, шунингдек уларнинг муайян қисми ўртасида ғаразгўйликнинг ўсиб бориши; жамиятда зўрлик, ахлоқсизлик ва жиноий йўллар билан орттирилган бойлик ҳисобига “дабдабали” ҳаёт кечиршни тарғиб қилиш манбаларининг кўпайиши; аҳоли ҳуқуқий онгининг қолоқлиги ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ва ҳ.к.

Учинчиси – ташкилий-бошқарув соҳасидаги омиллар бўлиб, улар: ҳокимият институтларининг самарасизлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги; коррупция билан боғлиқ жиноятлар устидан ижтимоий-ҳуқуқий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солувчи ҳуқуқий тизимнинг такомиллашмаганлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида мансаб ваколатини суиистеъмол қилишнинг кўпайиши;

коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳал этилмаганлиги ва бошқалар⁴.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар кўп жиҳатдан давлатдаги иқтисодий сиёсатга боғлиқ. Иқтисодий жиноятлар эса жамиятга катта моддий ва маънавий зиён етказди, хўжаликнинг барча тармоқларида иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Уларни содир этувчи шахслар (коррупция билан боғлиқ жиноятларга аралашган мансабдор шахслар), айниқса, йирик ёки жуда катта миқдорда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш каби такрорий ёки давомий жиноят содир этганларида, яқин атрофдаги ишлаб чиқариш ва маиший ҳаётга бузғунчилик таъсирини кўрсатади. Иқтисодий жиноятларнинг жуда кўп турлари коррупция билан боғлиқликда содир этилади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар жамиятдаги ўзгаришлар ёки ривожланишнинг тезлашиши билан ҳамқадам, бир вақтда юзага келади ва ўсиб боради. Уларга ривожланишнинг мўлжалланмаган натижаси ёки қўшимча оқибати сифатида қараш мумкин.

⁴ Қаранг: *Исмаилов И.* Уюшган ва коррупцион жиноятчиликни ўрганишнинг криминологик жиҳатлари // *Ҳуқуқ–Право–Law.* –2004. –№ 2. –44–46-б.



Жиноятларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш қилмишларнинг умумий турлари билан чекланиб қолмаслиги керак. Шу билан бирга, жиноятларнинг ижтимоий хавфли бўлган турларига, масалан, давлат ва хусусий муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар бевосита ёки билвосита иштирок этадиган солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сингари иқтисодий жиноятларга ҳам тааллуқли бўлиши керак. Олдини олиш чораларининг таркибий қисми давлат органларининг жиноятчиликка, хусусан иқтисодий жиноятчиликнинг турларидан бири бўлган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашга қарши кураш мақсадида амалга оширадиган иқтисодий, ижтимоий-маданий, тарбиявий ва ҳуқуқий-чоралар тизимидир.

Мансабдор шахсларнинг жиноятчи шахслар билан алоқасига қарши кураш – коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш, энг аввало, давлатнинг иқтисодий негизини муҳофаза қилишдир. Иқтисодиёт соҳасидаги коррупция билан боғлиқ жиноятларни олдини олишда давлат органлари, оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига таяниши, жамият, давлатдаги аниқ сиёсий-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда якка тартибда олиб бориладиган суҳбатларга алоҳида эътибор бериши керак⁵. БМТнинг жиноятларнинг олдини олишга доир VII конгрессининг материалларида таъкидланганидек, “ҳозирги иқтисодий жиноятлар туфайли етказиладиган зарарни самарали тарзда камайтириш мақсадидаги дастурий чоралар жиноятлар содир этилиши имкониятларини камайтиришга, шунингдек, уларга қарши нормалар ва концепцияларни мустаҳкамлашга асосий урғу бериб комплекс ёндашувга асосланиши кераклигини, жиноятчиликка қарши курашга мўлжалланган сиёсат, жараёнлар ва муассасаларни қамраб олувчи жиноятларнинг олдини олиш ва одил судлов борасидаги тадбирларнинг муҳимлигини англаш зарур”. БМТ VII конгрессининг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги тавсияларини таҳлил қилиб, иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги сиёсатни кучайтиришга оид тадбирларнинг муҳимлигини таъкидлаш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳозирги замонда давлатимиз олдида турган катта муаммолардан биридир. Коррупция жиноятлари билан шуғулланган мансабдор шахс ўз манфаатларини ўйлаб, давлат, жамият ва фуқароларга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказди, давлатнинг ривожланишига тўсиқ бўлади.

⁵ Ашуров, О. (2024). ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИНИ АҲАМИЯТИ. *Журнал академических исследований нового Узбекистана*, 1(5), 184-191.



Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари – ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидан фойдаланилади: махсус гуруҳларга (мансабдор шахсларга) нисбатан профилактика (олдини олиш чоралари); ихтисослашган органлар ва ташкилотлар томонидан махсус воситалар ва усуллар ёрдамида (масалан, жазони ўташ жойларидаги маҳкумларга нисбатан) амалга ошириладиган махсус профилактика. Бироқ ушбу профилактика турлари ягона жараён сифатида бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқликда кўриб чиқилади ва ўрганилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси деганда жамият аъзоларига хусусан мансабдор шахсларга ижтимоий, мафкуравий, ҳуқуқий ва бошқа нормалар қўллаш, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг тийиб турувчи таъсири тушунилади. Мансабдор шахсларнинг жиноятчилар билан қиладиган ҳар қандай кўринишдаги алоқалари қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида хабардор қилинадилар ва огоҳлантириладилар. Умумий профилактиканинг самарадорлиги кўпгина омилларга (давлат органларининг иштироки, профилактикани, жумладан оммавий ахборот воситаларининг иштирокида амалга оширувчи шахсларнинг касбий маҳорати ва ҳ.к.) боғлиқ, Умумий профилактиканинг самарадорлигини аниқлаш ҳар доим қийин кечади. Агар эришиладиган натижа доимо юқори бўлиб, коррупция билан боғлиқ жиноятларга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилмаса, бундай “қиммат турадиган” тадбирларни ўтказишнинг зарурати бўлмас эди. Ушбу ҳолат якка тартибдаги профилактикага эҳтиёжни юзага келтиради. Юқорида баён этилганларни инобатга оладиган бўлсак, ҳуқуқбузарлар профилактикасининг турлари, жумладан умумий профилактика самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга зарурат сезилади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда қўлланиладиган якка тартибдаги профилактика ишлари, аввало, ҳар бир алоҳида инсон билан (мансабдор шахс билан) ишлашга мўлжалланган. Улар доимо аниқ бўлади ва мансабдор шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлар қилишга ўтиши мумкинлиги ҳақиқатан аниқланганида қўлланилади. Якка тартибдаги профилактика чоралари шахснинг ўзига ҳам, унинг атрофидагиларга ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ



профилактика тадбирлари энг кўп самара бериши учун бир қатор тайёрлов шартларини амалга ошириш зарур:

– профилактика ўтказиш учун эҳтимол тутилган номзодни ўрганиш (унинг лавозими, меҳнат стажи, алоқалари ва бошқалар);

– номзодга мафкуравий ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг асосий чоралари ва мавзуларини аниқлаш;

– ўтказилган профилактика суҳбатининг самарадорлигини назорат қилиш чораларини белгилаш.

Якка тартибдаги профилактика коррупция билан шуғулланаётган мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган ишонтириш (тарбиялаш) ва мажбурлаш (жазолаш) чораларининг мажмуи бўлиб, у профилактика тизимининг асосий воситаси бўлиши керак.

Профилактик фаолият субъектлар (органлар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар, фуқаролар)дан юксак даражадаги ўзаро тушунишни, келишишни, ўзаро мувофиқлашган ҳаракатларга тайёрликни талаб этади. Профилактика субъектлари ўртасида ахборот алмашинуви бўйича ҳамкорлик ҳам зарур. Тўғри йўлга қўйилган ўзаро ахборот алмашиши-профилактика тизимидаги уюшганлик, ўзгарган шароитларга зарурий мослашувчанликни таъминлашни гаровидир.